

## **ЭРГОНИМЛАРДА МАДАНИЙ КОД МАСАЛАСИ**

**Муяссар Сапарниязова**

Ф.ф.н., доц., ТошДЎТАУ

Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили

таълими кафедраси доценти

E-mail: [saparniyazovamuyassar@navoiy-uni.uz](mailto:saparniyazovamuyassar@navoiy-uni.uz)

Тел: 973438368

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақола ўзбек тилида эргонимларда маданий коднинг акс этиши масаласини тадқиқ қилишга бағишланган. Мақолада маданий код тушунчаси ва таснифи, жаҳон тилшунослигида соҳада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, эргонимларда ифодаланиш хусусиятлари хусусида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** эргоним, эргонимика, эргонимикон, ономастика, маданий код.*

## **THE ISSUE OF CULTURAL CODE IN ERGONOMICS**

### **ABSTRACT**

*This article is devoted to the study of the reflection of the cultural code in ergonims in the Uzbek language. The article deals with the concept and classification of the cultural code, the analysis of research conducted in the field of world linguistics, and the features of expression in ergonims.*

***Key words:** ergonim, ergonimika, ergonimikon, onomastics, cultural code.*

### **КИРИШ**

Тилшуносларнинг фикрича, “тил миллатнинг маданий кодларидир” (1). Семиотикага кирувчи код ва маданий код терминлари Ф.де Соссюр, У. Эко, К. Леви-Строс, Ю.С. Степанов, Ю.М. Лотман, В.Н. Телия, В.В. Красных, М.Л. Ковшова, Е.Е. Бразговская, А. Нурмонов ва Ш. Усманова томонидан муайян даражада ўрганилган. “Лингвомаданиятшунослик фанга лингвомаданий бирлик, лингвомаданият, лингвомаданий ҳамжамият, миллий-маданий коннотация, маданий сема, претседент бирликлар, лисоний онг, оламнинг лисоний манзараси каби бир қатор янги тушунчалар олиб кирди. Улар қаторида маданият кодлари тушунчаси алоҳида мавқега эга”.(2)

Маълумки, код ва белги тушунчалари белгиларини ўрганувчи фан — семиотиканинг марказий тушунчалари ҳисобланади. Атоқли тилшунос А.Нурмонов социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланишини таъкидлайди. Дастлаб математика ва информатика фанлари

доирасида кенг қўлланишда бўлган код тушунчаси гуманитар соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Бунда белгилик характериға эға тил ҳамда маданият алоҳида аҳамиятға эға . Улар белгилар воситасида халқнинг тажрибаси ва меъёрларини келгуси авлодға етказади.

Маданият кодлари тилшуносликда турли талқинларига эға. Р.Барт буни “жамоатнинг маданий тажрибаси қолдиқлари, маданият хотираси парчалари, миллий тилға юкланган маданий тенденция ва мотивлар, парадигматик ва рамзий характериға эға прецедентлар, сигнал тизимларига айланган натижалар” (3) сифатида тушунилишини қайд этади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Лингвомаданиятшуносликда маданият кодлари олам лисоний манзарасининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф қилинади.

В.А.Маслова тилға юкланган миллий-маданий ахборот тилнинг юза қисмида жойлашмаслиги, балки сўзнинг ички семантикасида, грамматик ва синтактик феноменлар семантикасида кодланиши, шу сабаб тилда вербаллашувида юқоридаги жараёнлар бирлашиб, миллий-маданий кодға айланишини таъкидлайди. Маданий кодни унга ёндош тушунча метафора билан қиёслайди, уларнинг муштарак, фарқли жиҳатларини таҳлил қилади ва маданий кодға метафораға нисбатан тилнинг кенгроқ ва чуқурроқ маданий майдони (глубинное культурное пространство) деб таъриф беради.(4) Маданият кодлари муайян маданий мазмунни кодлаштириш мақсадида қўлланувчи турли моддий ва формал воситалардан иборат иккиламчи белгилар тизимидир. (5) Маданият кодлари турли моддий қобикда — турмуш реалиялари, флора ва фауна вакиллари ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин. Инсон онгида улар умуман билимлар, тасаввурлар, ассоциациялар кўринишда акс этади. (6) Д. Худойберганова маданият кодини инсониятнинг архтипик тасаввурларига мувофиқ келувчи, ўзида олам ҳақидаги тасаввурларни намоён этувчи тушунчалар ва уларнинг лисоний шакллари сифатида таърифлайди. “Маданият кодлари инсон томонидан оламни категориялаштириш жараёнининг маҳсулидир ва бунда инсон тили маданий мазмуннинг энг муҳим ифодачиларидан бири ҳисобланади. Маданият кодлари тилда асосан халқнинг образли тафаккурини намоён этувчи мақол, ибора, турғун ўхшатиш, метафора, қарғиш, дуо ва олқишлар каби лингвомаданий бирликларда инъикос этади. Маданият кодларида инсонларнинг моддий ва маънавий олам ҳақидаги тасаввурлари, миллий тафаккури, аксиологик қарашлари яққол кўзға ташланади. (7) Маданиятда шаклланган қадриятли тушунчаларнинг турли

усулларда кодлаштирилиши маданият кодлари тизимини ташкил этади. Бу тизим, умуман, оламнинг миллий лисоний манзарасини ҳосил қилади. Англашиладики, маданий кодлар халқнинг миллий-маданий хусусияти билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Маданий код ўзида миллий-маданий урф-одат, қадрият ва меъёрларни ўзида шартли равишда акс эттирувчи, рамзий ва кодланган тарзда ифодаловчи моддий белгилар тизимидир. Маданий код ўша миллат тили, тарихи, руҳияти, яшаш тарзи ҳақида маълумотларни эслатиб турувчи модел вазифасини бажаради.

Лингвомаданий код маданият кодининг вербаллашган кўринишидир. Маълумки, вербал тилда ҳар қандай нарсани ифодалаш мумкин. Вербал тил ўзига маданиятнинг образли кодларини сингдиради. Бунда коднинг ифода планида

ўзгариш содир бўлади ва маданий кодлар вербаллашиб, лингвомаданий кодга айланади. (8) Маданият кодлари ҳақида Д. Худойберганованинг “Лингвомаданиятшунослик терминларининг изоҳли луғати”да маданият кодлари, соматик код, вақтга доир код, маконий код, предметли код, маънавий код, биоморф код терминлари изоҳлаб берилган. (9)

Илмий адабиётларда маданият кодларининг турлари борасида ҳам фарқли фикрлар мавжуд. Асосан соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код, маънавий код, антроморф код, фазовий код, урушга доир код, тиббий код, меъморий код, спорт коди, геометрик код, гастрономик код, кийим-кечак коди, мифологик код, теоморф код, ранг-тус коди кабилар қайд этилади. Маданият кодлари ҳақида фикр юритганда уларни лингвомаданий кодлар билан аралаш қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди.

В.А.Маслова бугунги рус лингвомаданиятидаги бир қатор кодларни ажратади: космогоник код, анимик (анимический) код, соматик код, макон коди, замон коди, фитоморф код, ҳарбий код, тиббий код, предмет коди, табиий-ландшафт коди, меъморий код, ҳид коди, таъм коди, кийим-кечак коди, спорт коди, геометрик код, озиқ-овқат коди, руҳий-ахлоқий код каби турларга ажратади. (10) Олима маданият кодларини таснифлар экан, кодлар рўйхатини яна давом эттириш мумкинлигини, рус лингвокультурасидаги мавжуд кодлар миқдори яна бир неча ўнликларни ташкил қилиши мумкинлигини ўринли равишда таъкидлайди.

В.В. Красних фраземаларни тематик жиҳатдан бир неча маданий кодларга ажратган. У маданият кодларини инсоннинг архетипик тасаввурлари деб изоҳлайди ва маданият кодлари уларни кодлайди, деган фикрни билдиради. Шунингдек, олима маданий кодларни фразеологик бирликлар асосида тадқиқ

қилиш жараёнида уларни олтита, яъни: соматик (тана аъзоси), макон ёки фазовий, замонга хос, предметга хос, биоморф ва маънавий кодларга ажратган. (11) В.В. Красних маданий кодлар олам ҳақидаги аниқ тасаввурларни беради, улар метр-эталон қатлам, яъни ўлчов бўлиб хизмат қилади, деб таъкидласа, З.Г. Сабитова маданий кодлар, асосан, маданий коннотацияларни ифодаловчи иборалар, фразеологик бирликлар ва паремияларда акс этади, деган хулосага келади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, маданий код вербал кодлар таркибига киради ва рамзийликнинг юқори даражаси ҳамда иккиламчи семантикага эга бўлади ҳамда аксарият ишларда таъкидланганидек, тилдаги барқарор бирликларда акс этади.

Маълум тилга хос номлар (онимлар) замонавий тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Онимлар нафақат номинатив маънонинг ташувчиси, балки шунингдек, ҳудуднинг тили, географияси ва табиати, тарихи ва урф-одатлари ҳақида жуда кўп маълумотларни ўз ичига олади. Номлаш жараёнида халқнинг мифологик тасаввурлари, миллий қадриятлари, урф-одатларига асосланилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ономастик бирликлар, жумладан эргонимларда ҳам маданий кодлар акс этади. Чунки номларда муайян миллатнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи акс этади.

Ҳар бир миллат ўзининг миллий шартланган оламнинг лисоний манзарасига эга эканлиги тилшунослик илмида кенг эътироф этилган. Шу жиҳатдан оламнинг лисоний манзарасини миллатнинг идрок интизомини кўрсатувчи маълумотлар мажмуига қиёслаш мумкин.

Эргонимларда энг кенг тарқалган код турларидан бири бу номланаётган объект турига ишора қилувчи белги кодларидир. Масалан, савдо объектларига атаб қўйилган эргонимларда *барака* маънавий коди фаол қўлланади. “Бек барака”, “Барака маркет” каби. Таҳлил қилинган эргонимик бирликларнинг кўпчилигида тилнинг лингвомаданий хусусиятларини акс эттирувчи сўз-концептлар асос бўлганлиги кузатилди. Масалан, ҳалоллик, барака, гўзаллик, мева, оила, она, бола, эркак каби.

Тадқиқотимизда таҳлилга тортилган Тошкент шаҳри эргономиконида қуйидаги маданият кодларини тавсифлаш мумкин:

1. Мифологик код. Эргонимлар халқ тарихининг бир қисмидир. Унда халқнинг турмуш тарзи, эътиқоди, интилишлари, фантазияси, бадий адабиёти акс этади. Ўзбек миллатининг азиз авлиёлар, пайғамбарлар, афсоналар, муқаддас жойларга ихлоси ўлароқ эргонимларни танлаш ментал хусусиятларидан саналади: “Жаннат” (ХК), “Авесто” (Бизнес маркази), РАА

Қақнус (МЧЖ), “Афросиёб”, “НУМО” (ресторан номи), “Семурғ”, “Каюмарс” (фирма номлари).

2. Прецедент код. Ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ объектига ном сифатида баъзан дунё миқёсида ёки муайян миллат ичида танилган машҳур кишилар, адабий қаҳрамонлар, маданий объектлар номи, яъни претседент бирликлар танланади. Масалан: “Кавказская пленница” (Кавказ асираси) ресторани претседент матнга яққол мисол бўлиб, замонавий тилшуносликда бошқа матнларни моделлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи, ички қўлланувчи матн ҳамда ҳаммага маълум бўлган матн сифатида мижозларни жалб қилиш мақсадида танланган. Ёки: «ТОЖМАҲАЛ» ресторани номи Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон даврига оид қадимий меъморий ёдгорликни, «Алибобо» кафесига берилган ном эса машҳур араб эртаги “Алибобо ва қирқ қароқчи”даги машҳур қаҳрамонни англатади.

3. Космогоник код. осмон жисмлари, самовий мавжудотларни акс эттирувчи эргонимларда ифодаланади: *SAMO*”, “*SOMON YO‘LI*”, “*FAZO*”.

4. Макон коди: “Қушбеги” ресторани Тошкент шаҳрининг Қушбеги мавзесида жойлашган; “Чорсу” меҳмонхонаси, “Роҳат” автосалони, “Чўпон ота” чойхонаси, “Бешёғоч” бозори.

5. Предмет коди: “ANJIR”, RAYHON”, “ANOR”, “CHINOR” (kafe), “UZUM (market). Буларни яна ўнлаб мавзуий гуруҳларда давом эттириш мумкин.

## **ХУЛОСА**

Хуллас, тил номинацияларида ҳам турли тематик гуруҳларга тегишли миллий-маданий компонент мавжуд. Ўзбек тили эргонимларида кўп асрлик халқ анъаналари ва қадриятларининг, диний ва дунёвий қарашлари, образли тафаккурининг ёрқин ифодаси акс этади. Эргонимларда бу маданий кодларнинг сақланиши ва мазмуний идрокида халқнинг географик жойлашуви, иқлими, тарихий, диний, маданий омиллар таъсир қилади. Эргонимлар нейминг ҳамда ономастика соҳаларига тегишли бирлик сифатида ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга, бу масала эса алоҳида монографик тадқиқотларни талаб қилади.

## **REFERENCES**

1. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – 208 с.
2. Xudoyberganova D. Lingvokulturologiyada madaniy kod tushunchasi va talqini//O`zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2019. – №3. – B. 15.

3. *Барт Р.* Империя знаков. – М., 2004. -с.284.
4. Маслова В.А. Духовный код с позиции лингвокультурологии: единица сакрального и светского //Метафизика. – М., 2016. – №4. – С. 79.
5. Телия В.Н. Большой фразеологический словарь русского языка. – М., 2006. – С. 12.
6. Ковшова М. Л. Лингвокультурологический метод во фразеологии. Коды культуры. Издю 2-е. – М. : Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. – С 174.
7. D.Xudoyberganova, ko‘rsatilgan maqola. – b.16.
8. Красных В.В. Коды и эталоны культуры (приглашение к разговору) //Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: МАКС Пресс, 2001. – С.6.
9. Xudoyberganova D. Lingvoturkologiya terminlarining qisqacha izohli lug‘ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – 46 b.
10. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. Лекционный курс. – М.:Гнозис, 2002. – 284 с.
11. D.Lutfullayeva, M.Saparniyazova, R.Davlatova. Monografiya. O‘zbek tilida nom yaratishning lingvistik-me’yoriy asoslari. – Toshkent: MALIK PRINT CO, 2022.
12. Lutfullaeva, D., Saparniyazova, M., & Davlatova, R. (2020). Criteria for creating a name in the uzbek language. *Journal of Critical Reviews*, 7(16), 3142-3145.
13. Kadirova, X. B. (2023). O ‘ZLASHGAN O ‘ZBEK ISMLARINING LEKSIK-SEMANTIK MUAMMOLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 445-451.